

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИДАГИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН „КОММУНИСТ“ КОЛХОЗИНИНГ САБЗАВОТ УРУҒЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАЖРИБАСИДАН

ДЕХҚОННИНГ ЮБИЛЕЙ БАҲОРИ

БОРЛИҚ баҳор кўйида. Келинчақ кўнлаб ўзининг бор бисотини еру-қука ёйган. Майин эсаётган шабада димоққа гул бўйларини келтириб уради. Шунда кўнгил равшан тортиб кетади. Дархатларнинг шоҳ-шаббалари оппоқ-оппоқ, жакки-жакки туллардан маржон таққан. Қарасангиз, кўз қамашади. Қир-адрларга ям-яшил майсалардан гилам тўшалган. Буларнинг ҳаммаси — баҳорнинг сени, баҳорнинг бойлиги, баҳорнинг кўюли! Бу баҳор юбилей йилнинг баҳори бўлгани учунми, кишига аллақандай завқ-шавқ баришлайди. Дилларнинг тўридан жой олган бу завқ-шавқни ҳоқ ишчи-хизматчи бўлсин, ҳоқ деҳқон ё чорвадор бўлсин, ҳар бир кишининг чеҳрасидан пайқаб оласиз.

Эли киинтираётган ва тўйинтираётган деҳқон, боғбон, соҳибдор ва чорвадорларнинг милليونларча совет кишилари билан ёнма-ён туриб, улуг Советлар мамлакатининг ярим асрлик тантанавор тўйига катта тўнalar билан боришни дилларига жо қилиб, шу баҳор кунларининг ҳар бир дақиқасидан оқилона ва моҳирлик билан фойдаланишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Мана, областимиздаги колхозлардан бири. Оржоникидзе районидagi «Коммунист» номи билан аталадиган бу колхоз меҳнаткашлари ҳақиқатан ҳам чинакам коммунистчасига яшаб, меҳнат қилишганди. Илгариларини қолоқ бўлган бу хўжалик кейинги уч-тўрт йил ичида шундай ривожланиб кетдики, буни исботловчи рақамлар кўздан кечиришга, бас.

Иш устасидан кўнлар деб бекизга айтишмайди. Ҳар қандай иш ҳам омилиқорлик, моҳирлик ва тажрибадорлик билан амалга оширилса, юришгадан юришга кетаверилади. Буни ҳаётда учраб турган кўнлар мисоллар аёқод исбот эта олади. «Коммунист» колхозининг раҳбарлари, мутахассислари ва меҳнаткашлари партия ва ҳукуматимизнинг доно кўрсатмаларига оғимай амал қилиб, кейинги йилларда меҳнатга бўлган муносабатларини кескин ўзгаришди. Эндиликда ҳар бир ишга илмий асосда, ҳисоб-китоб билан, иқтисоднинг тартиб қондалари асосида ёндашилди. Хўжалиқнинг кейинги йилларда барқ уриб ривожланиётганлиги шу тўғрисида.

Гарчи биринчи ақойиб ютуқлар кўнлаб киритилган бўлса ҳам, ҳали хўжалик ҳаётида кўнлиги камчиликлар мавжуд. Меҳнатни ташкил этишда ҳали анча-мунча етишмовчиликларни бағдарга олиш зарур. Базанбир соҳаларга кетадиган сарф-харажатлар кескин камайтирилгани ҳолда, баъзи бир соҳаларга ҳали ҳам кўнлаб ортинча маблағлар сарфланаяпти, айрим маҳсулотларнинг таннархи қимматга тушаяпти, ҳатто бири-икки тармоқ зийн ҳам келтирипти. Хўш, буларга ҳам барҳам бериш учун нима қилиш керак? Колхоз кишилари мана шу хусусда бош қотиришяпти, янги мақсадларга эришиш учун изланишни қизғин давом эттиришяпти.

Даромадга кўп нарсаси боғлиқ. Даромад яхши бўлса, хўжалик ҳам туркираб ўсаверилади, кишлоқ ободонлашаверилади, колхозчининг ҳўнати қаппалаверилади. Демак, меҳнатга қизиқиш тобора кучайиб, янги-янги ютуқлар кўнлаб киритилаверилади. Даромаднинг кўнлиги бу маҳсулдорликни ошириш, ҳар бир тўйининг ўз ўрнига кўйиб сарфлаш, ортинча харажатларнинг йўлини батамом тўсиб қўйиш зарур. Колхоз меҳнаткашлари эндиликда ана шундай йўлларни ахтаришяпти.

Янгида бу колхоз меҳнаткашлари ўзларининг биринчи иқтисодий конференцияларига йиғилдилар. Бунда илгарини йиллари эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар аёвсиз равишда очиб ташланди, юбилей йилида ва беш йилликнинг бошқа йилларида қандай ишлар қилиш кераклиги масалаҳатланди олинди. Кўйида ана шу конференцияда нутқ сўзлаган кишиларнинг гапларини келтирамиз.

ЮКСАЛИШ ГАРОВИ

(Колхоз раиси ўртоқ М. МИРСОАТОВ сўзидан)

ПАРТИЯ ва ҳукуматимиз ҳақ хўжалиқнинг барча соҳаларидаги кишилар қатори биз кишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари тўғрисида ҳам ота-ларча ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Айниқса, кейинги йилларда кишлоқ меҳнаткашлари учун жуда катта кулайликлар ва енгилликлар туғдирилди. КПСС Марказий Комитетининг март (1965 йил) Пленумидан кейин кишлоқда жуда катта ўзгаришлар бўляпти. Давлат биздан кишлоқ хўжалигини маҳсулотларини илгарига қараганда анча оширилган нархларда сотиб олоқда. Колхозчилардан олинадиган даромад солиқлари камайтирилди. Техника воситалари бизга илгарига нисбатан анча арзонга сотиладиган. Колхозчиларнинг хусусий чорва моллари сонини ошириш тўғрисида қарор чиқди. Буларнинг ҳаммаси колхоз ва колхозчиларнинг бойлишига ямсон беришти.

Хўжалик ҳисоби ютуқларни қўлайтириш ва даромадини оширишнинг чинакам гарови эканлигига эндиликда ҳечкимда шак-шубҳа қолмади. Ҳамма хўжалик ҳисобини афзал кўрмоқда ва қўллаб-қувватламоқда. Колхозимизнинг барча бригада ва звенолари 1964 йилдан бошлаб яхши хўжалик ҳисобига ўтган эдилар. Ўшандан буён колхозимизнинг қарийб барча тармоқлари ўсиб, ривожланиб келяпти.

Хўжалик ҳисоби бир йилдаёқ ўзининг афзаллигини кўрсатди. 1963 йилда мавжуд 810 гектар еримизга пахта ва сабзавот экинлари экиб, 579 минг сўм даромад қилган бўлсак, хўжалик ҳисобига ўтилган 1964 йилнинг ўзидаёқ умумий даромадимиз 662 минг сўмга етди. Бир йилнинг ўзида колхозчилар меҳнатига тасмиллаган пул қарийб 40 минг сўм қўлайди. Бултурги ютуқларимиз янада қувончли бўлди. Хўжалиқимизнинг умумий пул дарома-

ди 811 минг сўмга етди. Шунинг 55 процентини яъни 436 минг сўмдан кўпрогини колхозчиларимизнинг меҳнат кунларига тақсимладик. Ҳар бир меҳнат кунига колхоз бўйича ўрта ҳисобда 2 сўм 85 тийиндан пул тўланди.

Деҳқончилик маданиятини юксалтирган, меҳнатини кучидан унумли фойдаланиб, қўл меҳнатини анча қисқартирган, сарф-харажатларини иқтисод қилган бригада ва звенолар бундан бир ярим-икки ҳисса ортинг даромад кўрдилар. Масалан, Турғун Хокиев бошлиқ бригада аъзолари 1963 йилда ҳар бир меҳнат кунлари эвазига 1 сўм 77 тийиндан ҳам олган бўлсалар, бултур 2 сўм 89 тийиндан олдилар. Шу бригададаги Насиб Ғуломов бошлиқ звено деҳқонлари бултур ҳосилдорлигини оширишда ва меҳнат ҳамда бошқа харажатларини кам сарфлашда колхоз бўйича рекорд кўрсаткичларга эришганликлари тўғрисида ҳар бир меҳнат кунлари эвазига 6 сўм 90 тийиндан ҳам олдилар. Шунингдек, Ортинг Хикматов, Жўра Зиёмов, Нўлчи Тошпўлатов, Шомақсуд Шомансуров, Мансур Маҳмудов сингари ўртоқлар бошлиқ бригада ва звеноларнинг аъзолари ҳам колхоз бўйича энг юқори даромад олишга эришдилар.

Бизда маҳсулот етиштиришни қўлайтиришдан ва сарф-харажатларини камайитиришдан моддий манфаатдор бўлиш яхши йўлга қўйилган. Пиландан ортинча етиштирилган маҳсулотнинг ўндан етти қисми, иқтисод қилинган маблағнинг қўч ярим колхозчиларга устамма мукофот тариқасида берилади.

Ана шундай илгорлар билан бир қаторда ўз вазифасининг уaldasдан чиқолмаётган бригада ва звеноларимиз ҳам йўқ эмас. Масалан, ўртоқ С. Ғуломов бошлиқ бригадани олиб кўрайлик. Бешка бригадалар 1963 йилга нисбатан икки баравар ортинча даромад қилгани ҳолда бу бригада бултур ҳар меҳнат кунига 1963 йилдаги 1 сўм 77 тийин ўрнига 1 сўм 62 тийиндан пул тақсимлади.

Бешинчи бригадала ҳам шундай аянчи аҳволни кўриш мумкин. Бу ерда бултур ҳар бир меҳнат кунига 1963 йилдагига нисбатан 25 тийин кам ҳақ тўланди. Шу сингари бригада ва звеноларнинг муваффақиятсизлиги колхоз экономикасига ҳам маълум даражада таъсир кўрсатди.

САРА УРУҒ — ҲОСИЛ ОНАСИ

БИЗНИНГ ҲИССАМИЗ

(Колхоз агрономи ўртоқ С. ҲАКИМОВ сўзидан)

УЛУГВОР беш йилликнинг тўғич йилида катта муваффақиятларни қўлга киритдик. Хўжалиқимиз бўйича асосан сабзавот экинларининг уруғини етиштира бошлаганимизда буён даромадимиз кескин ошаётди. Бунинг натижасида илгари даромад анча камлиги тўғрисида бошқа жойларга ишга ўтиб кетган кўнлиги колхозчиларимиз қайтиб келишди. Эндиликда ишчи кучларимиз етарли.

Ютуқларимизни ҳақиқатга гапирсак арзийди. Бу ҳақда раисимиз батариқ тўхтайди ўтди. Мен каттароқ ютуқларга эришиш йўлига тов бўлиб турган баъзи-бир камчиликларимиз тўғрисида батариқ гапириб ўтмоқчиман. Ҳаммамизга маълумки, деҳқоннинг бирдан-бир бойлиги — ер. Унинг ҳар бир қаричини қадрлаган, унумдорлигини тобора ошира бораган деҳқонга асл интишти ета ола-ди. Хўш, бизда ердан қандай фойдаланилади? Оқинчи айтишим кераки, бу борадаги иш-мизни унчалик маънаб бўлмайд. Ери айланма усулда ҳайдаш аллақачонлар йўқ бўлиб кетган. Лекин, бизнинг хўжалиқимизда шу қолоқ усул ҳамон сақланиб келяпти. Бунинг натижасида ерининг структурасини бирмунча бузиб юборганимиз.

Колхозимизда 46 гектар узузмор бўлиб, бултур шунинг ҳар гектаридан 6,8 тоннадан ҳосил олинди. Бу албатта кам. Айниқса, Ганхўжа Эргашхўжаев, Ваҳоб Абдуллаев, Нурим Тошхўжаев ўртоқларнинг боғларидан олинган ҳосил жуда кам бўлди. Бунинг асосий сабаби боғларга яхши ишлов бермай қўйилганидир. Ишом ораларига 7-10 йилдан бери ишлов ҳам беришмайди, ўнгит ҳам сотинмайди. Ўнгитроғ. Янгиўй еки «Гулистон» участкаларидаги боғларнинг бири-биридан қандай фарқи бор? Узузм навлари ҳам, ер-сув шароити ҳам бир хил бўлганда, нега Янгиўй ва «Гулистон» участкаларида гектар бошига 10—12 тоннадан узузм олинади-да, Ўнгитроғ участкасида ҳосилдорлик 4—5 тоннадан парига ўтмайди? Бунинг сабаби, тақдор айтганим, қаровсизлиқда.

Олмазорларда ҳам шундай аҳволни кўриш-шимиз мумкин. Боғлар гектарларинг ағаллаб етибди-ю, уларнинг йилида дархат туллари кам, боғларнинг ҳам сифати йўқ. Масалан, иккинчи бригаданинг теналик яқинидаги олмазоридан уч-тўрт йилдан буён ҳосил олишмай келяпти. Лекин бу боғ пиланда бор, умумий ҳосилдорлигига таъсирини ўтказиб етибди.

Бугунги конференцияда шу нарсани очиб қилиб олишимиз керак — ўша 14 гектарлик боғдаги ҳосил берадиган олмазорнинг қолдир-сакда, қолганини бузиб ташлаб, ўрнига уруғ-лик пиле, қовун-тарвуз экаш. Шунда ҳар бир гектар ердан 2—2,5 минг сўм даромад қила-миз. Бизда яна шундай бир камчилик борки, айрим бригадалардаги олмазорларнинг орасига арпа-бугдой экилади. Ҳосил ўриб олинган, боғ ситирхона бўлиб кетади. Бундай нотўғри агротехникага қатъий чек қўйиш керак.

Энди техникдан фойдаланиш тўғрисида икки оғиз сўз. Колхозимизда бу борада ҳам камчиликлар йўқ эмас. Бизда ҳаммаси бўлиб 24 та ҳайдов ва чопиқ трактори бор. Шундан 2 та ҳайдов ва 2 та чопиқ трактори йил бўйи ишламай бекор турди. Лекин, ишлаганига қарамадан, амортизациясига ҳақ тўлаверди. Мавжуд 24 та тракторнинг амортизация-си учун 5176 сўм кетди. Демак, ҳар бир тракторга 200 сўмданга тўғри келади. Шундай қилиб, тўртта тракторнинг бекор тургани 800 сўм эиен келтирди. Бундан ташқари ҳар бир гектар ери ҳайдаш учун план бўйича 6 сўм 40 тийин сарфлангани лозим бўлса, аслида 8 сўм 93 тийин сарфланди. Бундан 8598 сўм эиен кўриди. Бундай ортинча харажат-



Суратда: колхознинг 1-бригадаси даласидаги пиле қатор ораларига агрегат билан ишлов бериш пайти.

А. Абалин фотоси.

ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

(Колхоз зоотехниги ўртоқ С. САИДУМАРОВ сўзидан)

КОЛХОЗИМИЗДА деҳқончилик яхши ривожланипти, дегин чорвачилик оқсаб қолмапти. Мисол учун ўтган йилни оладиган бўлсак, чорвачилик соҳасида эришилган натижалар кўнглини сира тўлдирмайдик. Тўғри, бу соҳанинг айрим тармоқларида яхши натижаларга эришилди. Қўн олиш пилан ошириб бажарилиди. Илгир сўт соғувчилар ўз соғим-ларидан ситирлардан йўн сўт олиб, топи-риқни анча ошириб бажардилар.

Бунинг асосий сабаби шундани, колхоз-имизда ем-хашакни мўл-қўл жамғаришга етар-ли эътибор берилмайдик. Ем-хашак етишти-риш сабзавотчилик бригадаларининг зиммасига юллуб қўйилган. Бригадаларга асосий эъ-тиборларини сабзавот ва картошка етишти-ришга қаратиб, хашакни экинларга иккинчи да-ражада иш деб қарийдилар. Бунинг натижаси-да ем-хашак етиштириш пиланлари йил сайин бажарилаётганлиги келяпти.

Бултур 12 минг 200 центнер ўғрига атиги 5308 центнер беда олинди. Лавлагга 20 гектар ўғрига атиги 6,4 гектар ерга экилди. Ком-плекс чорвачилик бригадаси тўзсак, ем-ха-шак етиштириш иши ўлада-жуда қилиб кет-майдик.

Бизда ферма биноларини ремонт қилишга ҳам етарли эътибор берилмайдик. Натижада моллар соғушда қилиб, сутини камайитириб юборди. Маҳсулот таннархининг қимматли-гига ем-хашак экинлари ҳосилдорлигининг пиллиги ҳам сабабчи бўляпти. «Тандем» ус-тановкасида фойдаланилмайдик. Натижада унинг амортизациясига кетган 1629 сўм пул маҳсулот таннархининг устига келиб тушди.

Юбилей йилида хўжалиқимиз чорвадорлари ўз соҳаларини кескин ривожлантиришга ас-тойдил беда боғлагандар. Давлатга гўшт ва сўт, сотиш йиллик пиланларини Улуг Октябрьнинг 50 йиллиги нишонланадиган кунгача тўла ба-жаришга сўз берганимиз. Йил охиригача ҳар бир килограмм сутнинг таннархини кўнли билан 19 тийинга келтирамиз. Ем-хашак базаси-ни мустаҳкамлаш учун ферма қўшида маҳсу-сно ташкил этилган. 1 октябрда навар 685 тонна беда, салкам 2300 тонна сўт, 660 тонна хашакни лавлагга жамғарамиз. Ферма ишларини механизациялаштиришга жиддий эътибор берганим.

КОЛХОЗЧИЛАРНИНГ бу иқтисодий кон-ференцияси шу кунни жуда қизиқарли ўт-ди. Юқориди келтирилганидек, ютуқлар қай-ди қилиниши билан бирга мавжуд камчиликлар аёвсиз равишда очиб ташланди. Мўзоқларда қатнашган бошқа ўртоқлар ҳам камчилик-ларни тугатиш йўлларини айтиб ўтдилар.

Шубҳасиз, бу иқтисодий конференция кол-хознинг бундан буён тағий ҳам юксалишида, экинлар ҳосилдорлиги ва чорва молларининг маҳсулдорлигини, меҳнат унумдорлиги ва моддий манфаатдорлигини оширишда катта аҳамиятга эга бўлади.

Улуг Октябрь социалистик революцияси-нинг 50 йиллигини муносиб меҳнат соғалари билан кўнли олиш учун бошлаган умумхалқ мусобафасига қўшилган «Коммунист» кол-хозининг меҳнаткашлари беш йилликнинг ик-кинчи йилида юксалишнинг яна бир поғона-сига кўтарилишларига шак-шубҳа йўқ.

Колхозда умумий даромад ва моддий манфаатдорлик йил сайин ортиб бормоқда.

Хўжалиқнинг умумий даромади 1963 йилда 579 минг сўмни, 1966 йилда 811,5 минг сўмни ташкил этган бўлса, аниқ ҳисоб-китобларга кўра бу йил 1 миллион 416 минг сўмни, 1970 йилга бориб эса 1 миллион 906 минг сўмни ташкил этади.

Колхозчиларнинг ҳар бир иш кунлари эвазига 1965 йилда ўртача 3 сўм 80 тийин, 1966 йилда 4 сўм ҳақ тўланган бўлса, бу йил 5 сўм 19 тийин, 1970 йилга бориб эса 7 сўм 41 тийин ҳақ тўланади.



